

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича  
ШАРТНОМА № 1**

2022 йил «28» март

Жиззах шахри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати **Инжиниринг компанияси** (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва «**SANGZOR PROJECT INVEST**» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор С.Кувондиқов, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ “Зомин тумани “Юксалиш” МФЙ Аччи қишлоғидан оқиб ўтувчи сойнинг ПК 27+15 дан ПК 30+15 гача бўлган қисмида ўзан тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш” (Лойиҳа иши, топосёмка ва экспертиза хулосаси билан) обьекти бўйича амалдаги конунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 28 март;

Ишни якунлаш: 10 кун.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 19 мартағи лот №50849 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **25 909 091** (**йигирма беш миллион тўққиз юз тўққиз минг тўқсон бир**) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгаргандан ва бошка ҳаражатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

**3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. “Зомин тумани “Юксалиш” МФЙ Аччи қишлоғидан оқиб ўтувчи сойнинг ПК 27+15 дан ПК 30+15 гача бўлган қисмида ўзан тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш” (Лойиҳа иши, топосёмка ва экспертиза хулосаси билан) обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топширикни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;  
3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юкоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласи.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан **Адвокати оғир бўғида ALBINA NAEJDA** амалга оширишга мажбур:

адвокат А.Н. Скорнякова

лицензия, удостоверение

№ 000053

- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вактдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.
- 3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равиша огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### **4. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қиласди.
- 4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган микдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.
- 4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан факат мазкур шартномада кўзда тутилган максад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.
- 4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.
- 4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзgartириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).
- 4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим килинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

- 4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равища Буюртмачига маълумот бериш;
- 4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўяқ қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан куйидагиларни талаб қилиш:
- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф килиши;
  - шартномавий қийматни шунга мувофиқ микдорда камайтириш;
  - Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
  - Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аникландган такдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуилади.

4.4. Ижрочи қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

### **5. Томонлар жавобгарлиги.**

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилингандан ҳолда, шартномани бекор қилиш ташабbusи билан чиқсан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

### **6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийdir. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

### **7. Шартномани ўзгартариш ва тугатиши.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартарилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартариш ва қўшимчалар ёзма равишда қилингандан томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартарилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарлиқдан озод қилмайди.

### **8. Низоларни хал этиши.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисадий судида қўриб чиқилади.

*адвокатское бюро «ALBIN»  
лицензия, удостоверение  
№ 000053*

## 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қўйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга галаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридағи бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Фазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочига сақланади.

### 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари: БУЮРТМАЧИ:

**Жиззах вилоят хокимлиги Ягона  
буюртмачи хизмати инжинииринг  
компанияси.**

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.  
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96  
шх: 100021860084017016801018144  
ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Фазначилик бошкармаси  
**ЯФХ 23402000300100001010**  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар ғони бояшармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Хасанов X.

**ИЖРОЧИ:**  
«SANGZOR PROJECT INVEST»  
масъулияти чекланган жамияти  
Жиззах ш. А.Навоий кучаси 2 уй  
тел.. 99 561-33-20  
х/р 20208000700785770001  
АТ «Алоқа банк»  
Жиззах филиали  
МФО: 01026 ИНН: 304961108  
ОКОНХ: 527003



С.Қувондиқов.

### ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура қўйидагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

**Жиззах вилоят хокимлиги ЯЛХ ИК**  
хукукишуноси - адвокат

адвокатское бюро «ALBINA NADIR»  
адвокат А.Н. Скорнякова  
лицензия, удостоверена  
№ 010006

О.Очилов

А.Н.Скорнякова

М.Алиев